

**“БОЛАЛАР КИТОБИ”
республика фестивали
ўтказилди** ▶2



Ҳабибиддин МУРОТОВ,
Ўзбекистон халқ устаси:
**АСЛ САНЪАТ АСРЛАР
ОША ЯШАЙДИ** ▶4

ГЎДАК ИСИ ▶6



**MOVIO – ЙИФМА
ЭЛЕКТРОСКУТЕР** ▶7

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА
САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Бўлғуси чемпионлар

УШБУ СОНДА:

Хонадонлар ишончли қўриқланади	3
«Муножот» сўзининг маъноси қандай талқин этилади?	4
Кўричак ортиқча эмас!	6
Хавфли ва хавфсиз идишларни биласизми?	6
Чиққан қиз... чиғириқдан ташқарида(ми)!	7

ҲИКМАТ

Адаб бу — хулқни
чиройли қилиш, сўзни
ва феълни соз қилиш-
дир.

Баҳовуддин
Нақшбанд

“БОЛАЛАР КИТОБИ” республика фестивали ўтказилди

Инсон ҳаётида китобнинг ўрни беқиёс. Айниқса, фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳияти юксалишида болалигидан бошлаб уларда китобга меҳр уйғотишнинг катта ва таъсирчан аҳамияти бор.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида “Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!”

шиори остида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, шунингдек, барча вилоят марказларида “Болалар китоби” республика фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, “Ўздавкитобсавдотаъминоти” масъулияти чекланган жамияти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалнинг очилиш маросими пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Ушбу фестивалда юртимизда фаолият юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари болалар адабиётига доир мингга яқин номдаги китоблар билан иштирок этишди.

Фестивалнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, республикада фаолият юритаётган нашриётлар томонидан ҳар йили 2,5 минг номдан зиёд, умумий адади 40 миллион нусхадан ортқ турли китоблар нашр қилинмоқда. Эллиқдан ортқ нашриёт болаларга бағишланган ноширлик маҳсулотларини чоп этиб келмоқда. Ҳозирда юртимизда нашр этилаётган адабиётларнинг ҳар учтадан биттиси бевосита болаларга бағишланган нашрлар эканлиги фарзандларимизни китобга бўлган ҳурматини ошириш ҳамда уларда китобхонлик маданиятини мустақкам шакллантириб боришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Сайл тарзида ташкил этилган фестиваль доирасида Маданият ва истироҳат боғининг турли ҳудудларидаги махсус майдончаларда иштирокчи-нашриётлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги йилларда нашр этилган асарлари кўргазмаси, Соғлом бола йилига бағишланган ҳамда нуфузли хал-



қаро китоб кўргазмаларида совринли ўрин эгаллаган китоблар тақдиротлари ташкил этилди.

Турсунбой Адашбоев, шоир:

— Аслида адабиёт бўлинмайди. Боланинг етук, комил инсон бўлиб етишишида биринчи ва асосий ўринни китоблар эгаллаши ҳақиқат эканлигини айтишим шартмас. Яна бир муҳим томони. китоб муқоваси бола эътиборини тортадиган жиҳатлардан бири. Шу сабабли ҳам нашриётларда бу борада жиддий ўзгаришлар киритилган. Айниқса, ҳар қандай китоб муқоваси болани ўзига тортиши шубҳасиз. Камалак рангининг жилоси китобларда акс этгани бу болажонлар учун қувончли ҳодиса.

Захро Ҳасанова, “Гулхан” журнали бош муҳаррири:

— Бу фестивалнинг ташкил этилиши нафақат болажонларга, балки ота-

Анжуман

оналарга ҳам катта маънавий озуқа беради, деб ўйлайман. Масалан, таҳририят ташаббуси билан сеvimли адабларимиз иштирокида учрашувлар ташкил этиш орқали ижодкор билан ўқувчи ўртасидаги масофани бир мунча бўлса-да яқинлаштирдик. Менинг назимда, болаларни тушунишимиз учун биринчи навбатда уларнинг тилини тушунишимиз ҳамда улар сўзлашадиган тилда ёзишимиз керак. Шундагина болалар кўнглига йўл топа оламиз.

— Устозларимизнинг китобни севган, уни тушуниб ўқиган инсондан ҳеч қачон ёмонлик қилмайди, деган сўзлари нақадар чин эканини ҳис қиламан, — дейди **Ангрен шаҳридаги 27-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Мухлиса Тўйчибоева**. — Ёзги таътилда жаҳон адабиётига доир бир неча китобларни ўқиб завқландим. Бугунги тадбирда нашриётлар биз учун ажойиб тўғалар тайёрлашди, бундан чексиз қувондик, мен ўзимга ёққан китоблардан харид қилдим.

Ўқувчилар ва ота-оналарда катта кизиқиш уйғотган мазкур тадбир доирасида “Китоб — энг яхши совға”, “Атроф олам муҳофазаси — саломатлик гарови”, “Менинг биринчи китобим” каби мавзулардаги интеллектуал ўйин ҳамда викториналарда қатнашган болажонларнинг билимдон ва топқирлиги барчанинг эътиборини жалб этди. Шунингдек, Республика ёш томошабинлар театри, Республика Давлат кўғирчоқ театри санъаткорлари спектакллардан сахна кўринишлари намойиш этишди, куй ва кўшиқлар янгради.

Икки кун давом этган “Болалар китоби” республика фестивали пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида ўтказилган маданий дастур билан якунланди.

Нилуфар МУРОДОВА
Мархабо МАҲКАМОВА
ЎЗМУ талабалари

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ташаббуси билан

ХАЙРЛИ ИШЛАРДАН МАМНУНМИЗ

Халқимизда яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди, деган нақл бор. Аммо бемор кишининг соғайишига қўмаклашишнинг баҳосини изоҳлаш қийин. Негаки, бундай хайрли иш соғлиги тикланган кишининг оила аъзолари, яқинлари дилига ҳам қувонч, қалбига янги орзу-умидларни бахш этади.

2002 йилда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти билан биргаликда уч томонлама ҳамкорлик битимини имзолаган эди. Ушбу ҳамкорлик доирасида 2002-2014 йиллар давомида 12 ёшгача бўлган 249 нафар ўзбекистонлик болалар терининг куйиш асоратлари, тугма кўл-оёқ бўғимлари касалликлари ва бошқа ташхислар билан Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанди.

Жорий йилнинг 24 август кuni Германиядан 6 нафар соғломлаштирилган болалар юртимизга қайтиб келишди. Улар орасида Навоий вилояти Навбахор туманидаги Янгиобод маҳалласида истиқомат қилувчи Мафтунбек Соибназаров ҳам бор эди:

— Ўғлим Мафтунбек туғилганида ўнг оёғининг бош бармоғи меъьери-дан биров каттароқ эди, — дейди Абдуваҳоб ака Жумабоев. — Биз туғруқ жараҳида шикастланган бўлса керак, яхши бўлиб кетди, дея унча а л и к а ҳ а м и я т бермадик. Аммо вақт ўтган сари бу шиш ўнг оёғининг панжасига



ва тўпик соҳасига ҳам тарқай бошлади. 2008 йилнинг январь ойида — ўғлим 8 ёшга тўлганида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг фаолияти ҳақида эшитиб қолдим. Бу вақтда Мафтунбекнинг ўнг оёғи чап оёғидан анча фарқ қиларди. Уша йилнинг июнь ойида мамлакатимизга келган германиялик шифокорлар ўғлимни кўриқдан ўтказиб, тугма ўнг оёқ гегантизми ташхисини қўйишди. Онаси ҳомиладорлик пайтида гепатитга чалинган ва бу ҳол болага асорат берган экан. Икки ойдан кейин ўғлим Германияга даволаниш учун жўнатилди.

Жорий йилда ўғлим учинчи мартаба Германияга бориб жарроҳлик операциясини ўтказиб қайтди. Ҳозирда ўнг оёғи анча яхшиланган. Шифокорларнинг айтишича, 2016 йили яна бир мартаба бу амалиёт бажарилса, ўғлим буткул соғайиб кетар экан.

Мафтунбек мана шу олти йиллик муолажа даврида чет эллик тенгдошлари билан мулоқотда бўлиб, немис, форс, инглиз тилларини билиб олган. Баъзида телефон орқали дўстлари билан бемалол гаплашишни қўриб, онаси иккимиз хурсанд бўлиб кетамиз. Биз “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг қўллаб хондонларга шодлик олиб қираётган хайрли ишларидан бениҳоят мамнунимиз ва ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

2014 йил — соғлом бола йили

Каттакўрғон шаҳридаги 10-сон кўп тармоқли махсус мактабгача таълим муассасасига киришингиз билан ўзингизни эртаклар оламида сайр қилаётгандек ҳис этасиз. Саранжом-саришта, гулу гулзорлар тўла ҳовли турли эртак қахрамонлари билан безатилган. Махсус жиҳозланган майдончада мириқиб ўйнаётган, қўшиқ куйлаётган, шеър айтаётган кичкинтойларни кўриб, завқингиз ортади. Болажонларнинг дам олишлари, овқатланишлари, зехни чархловчи ва жисмоний ривожлантирувчи машқлар билан шугулланиши учун жиҳозланган кулай, кенг, ёруғ ва озода хоналарга кирсангиз, баҳри дилингиз очилади.

— Муассасамизда нутқи, эшитиш, таянч ҳаракат тизими ва ривожланишида нуқсон бор болалар тарбияланади, — дейди мазкур муассаса мудири **Робия Раҳмонова**. — Бундай болалар албатта, алоҳида эътибор ва ғамхўрликни талаб этади. Уларни соғломлаштиришда тиббиётчилар, психолог ва логопед машғулотларидан ҳам фойдаланамиз. Бундан ташқари, болалар билан расм чизиш, қуриш-ясаш, ошпазлик анжомлари билан ишлаш, уларни теварак атрофда кузатилган воқеа-ҳодисаларни тасвирлашга ўргатиш, шу орқали атрофмуҳит ҳақидаги тасавурларини шакллантириш, оламни билиш ва ундаги воқеликни англашларига ёрдам беради.

Муассасадаги 10 та гуруҳга бўлинган 135 нафар болажонларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, баркамол бўлиб вояга етишида 20 нафар малакали педагог ва тарбиячиларнинг ҳар бири доим изланишда экан-



лимига тайёрлашни асосий мақсад қилиб, бу борада тинимсиз изланмоқдамиз, — дея сўзида давом этади **Робия Раҳмонова**. — Меҳнатимиз самарасини болажонлар келажагида кўрсак, ўзимизни минг қарра бахтли деб ҳисоблаймиз.

Болажонларни соғлом ва маънавий етук этиб тарбиялашда Шоира Тошева, Гулҳаё Ахматова, Шарофат Баҳриева каби тарбиячилар, мусиқа раҳбари Аҳад Абдураҳимовларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Ҳар бир гуруҳдаги кичкинтойлар учун мўлжалланган хоналар гигиена талабларига мос. Гуруҳларда болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, нутқини ривожлантириш учун ранг-баранг кўргазмалар воситалар бор. Фарзандлари ишончли қўлларда эканидан ота-оналарнинг ҳам кўнгли хотиржам.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Самарқанд вилояти.

Тарихий обидалар, музейлар ва кўллаб замонавий иншоотларни безаган нақшлар орасида ганч ўймакорлик санъатининг турфа намуналари ҳам завқ ва ҳайрат бериб туради. Тарихий жонлангиришга ҳам кодир бугунги наққош ва ганчкор усталаримизнинг ижоди таҳсинга лойиқ, демак, аждодлар зақоси замондошларимиз ва келажак авлод заковатида бардавон.

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста Ҳабибиддин Муротов Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонида мувофиқ "Ўзбекистон халқ устаси" унвони билан тақдирланди. Мухбиримиз номдор уста билан ушбу нозик санъатнинг гўзал жозибаси, ўзига хосликлари хусусида суҳбатлашди.


Ҳабибиддин МУРОТОВ,
Ўзбекистон халқ устаси:

АСЛ САНЪАТ АСРЛАР ОША ЯШАЙДИ

— Ҳабибиддин ака, аввало ганч ўймакорлик санъатига илк меҳр кўйган пайтларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Тўртинчи синфда ўқиб юрган кезларим икки-уч нафар синфдошларим меҳнат дарсига ганч плитага ишланган ишни кўтариб келишди. Кўриб, жуда ҳавасим келди. Қаердан ўрганишлар, деб сўрадим. Республика ўқувчилар саройи (ҳозирги Болалар ижодиёти маркази) да Маҳмуд ака Усмонов ўқувчиларга ганч ўймакорлик санъатини ўргатаётганини айтишди. Синфдошларимга эргашиб, Маҳмуд аканинг ёнига бордим. У киши қўлимга шифокорларнинг, скальпель, яъни операция пайти ишлатиладиган пинчоқчаси билан алебастр бўлакчасини тутқазиб, уни кесиб кўришимни айтди. Кўрсатган жойларини чизик бўйича текис қилиб кесиб чиқдим. Ўғлим, сени шоғирликка оламан, кейинги ҳафтадан эскироқ кийимларингни кийиб келгин, биз алебастрда ишлаймиз, деди. Унинг синфини битиргунимча машғулотларга боришни асло қилмадим. 1961 йилда Алишер Навоий номли академик катта театри қайта таъмирланадиган (реставрация) бўлди. Маҳмуд ака тўғаракка бир-икки йил қатнашган ўқувчилар билан у ерда таъмирлаш ишларини олиб бордилар. Мен ҳам улар билан икки ой ишладим. Театрнинг ичкарисидаги ганчларини кўриб, ҳайратдан лол бўлиб қолардим ва шу соҳани мукамал ўрганишга аҳд қилдим. Мактабни битирганимдан сўнг Тошкент политехника институти (ҳозирги Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети) қурилиш факультетининг кечки бўлимини тугатиб, ганч ўймакорлик гуруҳи бригадасига ишга кирдим.

Ҳар қандай касб-хунарнинг ўзига яраша нозик, мураккаб томонлари бўлади. Ганч ўймакорлик санъати ҳам оддий ва тез ўрганиб кетадиган хунарлардан эмас. Энг аввало, инсондан сабр, матонат талаб этилади. Устозимиз кўрсатган нарсаларни бир-икки уринишда чиқара олмасам: "Болам, бардош билан ҳаракат қилсангиз,



кўзлаган мақсадингизга эришасиз", деб қўллаб-қувватлаб турарди. Учинчи, тўртинчи уринишлардан сўнг у киши айтганидек қилиб бажарардим. Маҳмуд ака бизга хунар сирларини ўргатиш билан бирга ота-онани қандай ҳурмат қилиш, ака-укаларга ёрдам бериш, оилада йигит кишининг масъулияти хусусида мисоллар келтириб, ҳалол бўлишни, бировнинг ҳақини емаслик, ёлгон гапирмасликни қаттиқ уқтирарди. Чин юракдан астойдил меҳнат қилинган, чунки меҳнатларингиз мевасини бир кун келиб кўрасизлар, дерди. Ота-оналаримиз, устозларимиздан олган билим, тарбия, ўрганган хунарларимиз тушайли фарзандларимизни ҳам эл корига ярайдиган қилиб тарбияладик.

— Хунар ҳам авлоддан-авлодга ўтадиган мерос каби, бугунги кунда касб-ингизни кимлар давом эттиряпти?

— Устозим Маҳмуд ака бир кун "Мана, қўлингиздан анча иш келиб қолди, энди ўзингиз ҳам устозлик даражасига етдингиз, буёғига мустақил иш бошласангиз бўлади", деб оқ фотиҳа берганидан сўнг ганч ўймакорлик санъати билан шуғулланиб келаётган ёшлардан шу касбга астойдил қизиққанларни танаб, улар билан биргаликда фаолият бошладим. Катта ўғлим Хайрулла ёшлигидан ота касбига меҳр қўйиб, шу соҳа бўйича тажрибаларини ошириб келаяпти. Хусниддин Аъзамов, Фахриддин Муродов, Ҳожимурод Саидов, Ни-

зомиддин Тошкенбоев, Умар Муқимовлардан иборат ганчкорлар гуруҳи эл хизматини қилишяпти. Ганч дегани ўймакорликни ўйиб, пардоз қилишгина эмас, унинг эскизини ҳам чизини билиш керак. Биз авваллари тузган эскизлар билан ҳозиргилари орасида анча фарқ бор. Шоғирдларим ўз ишларида янгилар қиритишяпти, изланапти. 1998 йилдан 2003 йилгача Республика рассомлик коллежида, уч йил республика дизайни коллежида ганч ўймакорлик фанидан ўқувчиларга дарс бердим.

— Шу ўринда Сизнинг иштирокингизда ишланган ганчкорлик санъати намуналари безаб турган иншоотлардан бир нечасини санаб ўтсангиз.

— Илк катта ишимиз Ўзбекистон халқлари тарихи музейини таъмирлашда қатнашганимиз бўлди. Ундан кейин "Мовий гумбаз" (собик "Голубой купола") кафесини безатишда қатнашдик. Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз хунармандлар ҳам чинакам ижод завқини юракдан ҳис этдик. Юртимизда миллий хунармандчиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилиб, уларга кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Тошкент шаҳар ҳокимияти биноси, "Туркистон", "Истиклол" санъат саройлари, Тошкент метрополитенининг бешта бекати, Ҳазрати имом мажмуаси, Кўкча, Вақос ота жомеъ масжидлари, Ўзбеки-

стон Фанлар академияси меҳмонхонаси фойеси, "Ўзбекистон" меҳмонхонаси, Тошкент давлат цирки, бир неча вилоятлардаги театр бинолари, Сочи шаҳридаги "Ўзбекистон" санаторийси ва бошқа бир қатор иншоотларни безашда иштирок этганимиздан беҳад мамнунимиз.

— Ганч ўймакорлик ишларида кўпроқ қандай ишкуролари ҳамда композициялардан фойдаланасиз?

— Илгариги даврларда ганчкор усталаримиз штуртгардан (туя бўйин) минкор, дудана деган асбоблардан фойдаланишган. Ҳозирги кунда бизнинг асосий ишкуролимиз скальпель саналади, шу билан бирга штуртгардан, искана ёрдамида ишлаймиз. Скальпель нозик ва чиройли кесгани учун ишсифатли бўлади. Ўйиб олинган жой, яъни заминини текислашда сканадан фойдаланилади. Композициялар яратишда асосан ота-боболаримиз фойдаланган аънавий классик услубларга таяниб, янгилар қиритамиз. Айнан аслидек қилиб кўчирмасдан, аънавий композициянинг керакли жойлари олиниб, ўзи ҳам ижодий ёндашган усталарнинг иши ҳам пухта, ҳам харидори кўп бўлади. Ганчкорлик ҳам ижодий изланишни талаб этади.

Ёғоч ўймакор, мисгар, ганчкор усталар марғулардан фойдаланишади. Марғу бу ишнинг тугалланган нуқтасини билдиради. Биз кўпроқ шобаргни ишлатамиз. Шобарг йирик барг бўлгани учун кўзга яққол ташланиб туради. Қулча гулларнинг ҳам лола, атиргул, гармдори турлари бор. Улар кўпроқ рамзий маънода ишлатилади. Биз кўпинча исломий ҳамда чалқаш (гирих) чизикли эскизлардан фойдаланамиз. Ганч ўймакорликда пах, чока, лўла, қирра пардозлар орқали сайқал берилади. Ишимиз қанча нозик, майин бўлса сифати, кўриниши шунчалик чиройли бўлади.

— Ижоддаги машаққатларни енгиб ўтишда ёнингизда турган инсон, яъни умр йўлдошингизнинг ҳам ўрни катта экани сезилаяпти...

— Болаларим ёш маҳали бир-икки ой ишламай юрган кезларим бўлди. Шундай пайтларда аёлим Мавжудaxon рўзгорнинг кам-кўстини бировларга сездирмади. Борага кўниб, йўғида сабрқаноат қилди. Шукри, беш фарзандимиз, ўн неварамиз бор. Хайрулла, Мунира, Гулмира, Нозима, Мақсуджонларнинг барчаси оилали. Кўёларимизни ҳам ўғил қатори кўраимиз. Келинларимнинг муомаласи, одоб-ахлоқида аёлимнинг аксини кўраман. Яхши қайнона бўлиш ҳам масъулиятли бир лавозимни бошқаришдек гап.

"Оила ва жамият"
мухбири
Нигора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди.



МУНАЖЖИМ — тилимизда "илми нужум" деган ибора қадимда "астрономия" маъносини англатган. Бу иборадаги "нужум" сўзи "юлдузлар" деган мазмунни ифодалаган. "Мунажжим" сўзининг ҳам шаклига эътибор билан қаралса, унинг таркибидан "нужум" сўзини топиб олиш қийин эмас. "Мунажжим" сўзининг туб илдизи қадимда "юлдузларга қараб башорат қилди" деган маънони англатган. Кейинчалик бу сўз "юлдузшунос", "астроном" маъносини ифодалай бошлаган.

Самарқанд-Китоб йўлида ҳазрат Навоий ва буюк мунажжим Улуғбек замонасидан қолган минг йиллик чинорлар ҳали ҳам шовул-лаб турибди.

"Ўзбекистон қўриқлари" китобидан

МУНОЖОТ — "Муножот" деб аталувчи мумтоз мусиқани ҳаммамиз яхши биламиз. Бу кўйга солиб айтиладиган кўшиқ ҳар биримизга қадрдон бўлиб кетган. Халқимиз орасида "Муножот" исми қизлар ҳам кўп. "Муножот" сўзи "Яратганга пинҳона илтижо қилиш" мазмунини ифодалаган. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изохланишича, бу сўзнинг туб илдизи "ўз сирини ишониб айтди" деган маънони англатган. "Муножот" сўзининг "пинҳона суҳбат", "келишув" деган маънолари ҳам бор. "Муножот" сўзи "нажот" сўзи билан битта илдиздан ўсиб чиққан.

Айрилиқдан тинмайин дод айлайин, Ёлбориб, ҳаққа муножот айлайин.
"Ойсулув"
достонидан

ФАЗИЛАТ — "Фазилат" сўзи тилимизда "ижобий хусусият" маъносини англатади. Қизиғи шундаки, бу сўзнинг туб илдизи "устун бўлди" деган мазмунни ифодалаган. Бу сўзнинг шаклидан "афзал" сўзи билан битта илдиздан ўсиб чиққанини илгасиб бўлади. Демак, бирон-бир фазилатга эга бўлиш халқимизда устунликка эришиш деб баҳоланган.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ЗАМОНАВИЙ ЎЙИНЧОҚ

ёхуд болалар автомашинаси ва мотоцикллари хусусида

(Боши ўтган сонларда. Тамом)

“МЕН ҲАМ КАТТАМАН”

Замира АЗИМОВА,
“Ўзингни англа” психологик
хизмат кўрсатиш маркази бош
директори:

— Боланинг ривожланишида кўпгина фактор ва омиллар иштирок этади, ўйинчоқлар бу факторларнинг ичида муҳими саналади. 5-6 ёшгача боланинг асосий фаолияти ўйин бўлиб, унга ўйинни идрок қилдирадиган нарсаси асосан ўйинчоқлардир. Улар боланинг ҳам шахсияти, шахсий сифатлари, ҳам руҳиятининг шаклланиши ва ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга. Ва, энг муҳими, боланинг психик шаклланиш жараёنларига таъсир қилади. Ўйинчоқларнинг ясалишида бир неча касб эгалари иштирок этади, уларнинг физик ва химик хусусиятлари ўрганилади. Афсуски, бу жараёнда психологларнинг иштироки кўпинча эътибордан четда қолади.

Албатта, ўқш фаолиятига ўтганда ҳам, 14 ёшгача ўйинлар болалар ҳаётида етакчи ўрин тутати, ўқувчилар турли спорт ўйинлари, тўгаракларга жалб этилади. Шу боис ҳам биз турли ўйинчоқларнинг бола руҳиятига таъсирини ўрганишимиз зарур. Биринчидан, ўйинчоқларнинг дизайни болада салбий ёки ижобий хусусиятларни ривожлантириши мумкин. Демак, уларнинг дизайни болада агрессив ёки тажовузкор хисларни ўйотмаслиги лозим. Иккинчидан, ўйинчоқларнинг функционал вазифаларига ҳам қараш, у нимани бажаради ва бу болага нима беради, деб ўйлаб кўриш айти мудоаодир. Учинчиси, ўйинчоқ боланинг ёши ва жинсига мос бўлиши керак. Шу учинчи жиҳатдан олиб қараганда, кейинги пайтларда катталарнинг ҳаётдан олиниб, болаларнинг ҳаётига киргизилган ўйинчоқлар кўпаймоқда. Булар: ҳар хил электрон, техник ўйинчоқлар, болалар автомашинаси ва мотоциклларидир. (Ҳозирда болалар автомашинаси ёки мотоцикллари тузилган кунларда, кичик тўйларда соға қилиб олиб бориш урфга кирмоқда). Бундай ўйинчоқлар, масалан, болага ҳаётнинг бугунги имкониятларини ўргатади, лекин унинг психикасида бирон бир ўзгаришлар қилиб қўйиши мумкин. Улар боланинг фантазияси, ижодий сифатларини ривожлантиришда бироз ҳалақат бериши, яъни, бола таъбир техникада ишлайди-да, ижодкорлик хусусиятлари тўхтаб қолиши мумкин. Табиийки,



Учинчи мақола

катталар ҳаётдан техник воситаларни кичрайтириб, болаларнинг ҳаётига ўтказилган ўйинчоқларнинг боланинг руҳиятига ҳам таъсири бор. Аввало, катталарнинг ҳаётга бўлган назари ҳали болада йўқ. Масалан, ўзини эҳтиёт қилиш, техника хавфсизлигига риоя этишни, “мумкин-мумкин эмас” дегандай ижтимоий қонунқоидаларни билмагани учун бу ўйинчоқлар унга хатарли бўлиши эҳтимоли бор. Ота-она ҳар доим боланинг ёнида туриб, ўзи кўз-қулоқ бўлишга мажбур бўлади. Агар бола билмасдан катта кўчага чиқиб кетса, ўзи ва бошқа ҳайдовчиларга хавф туғдиради. Катта, қимматбаҳо, бошқаларда йўқ ўйинчоқлар унда бўлиб қолса, болада шаклланаётган маънавий, ижтимоий қадриятлар ҳам бироз ўзгариши мумкин. Яъни у бу нарсани ўйинчоқмас, балки моддий ёки ижтимоий бир восита (инструмент) қилиб олади. Мен зўрроқ эканман, бошқалар менга хавас қилаяпти, деган ўйлар онгида ривожланса, унинг миёсида ҳали бу нарсаларга қарши бурашиш имконияти йўқлиги учун бу ҳол бола шахсида ўзгаришни юзага келтириб, унда кибр, бошқаларни менсимаслик сифати шаклланади, деб ўйлаймиз. Моддий қадрият бошқалардан баландроқ экан, деган фикр шаклланса, боланинг шахс структурасида, оз бўлса-да, нотўғри йўналиш пайдо бўлиши эҳтимоли юзага келади.

Боланинг ёшидан келиб чиққан ҳолатда ўз руҳияти, психологик, шахсий меъёрлари бор. Катта одамлар ишлатадиган нарсани ишлата бошласа, у мен ҳам каттаман, деб ўйлаб, ўз имкониятлари ва ўзига берадиган баҳоси, муносабатиди ҳам ўзгариш кузатилади. Эътибор қилсангиз, баъзи имконияти кўпроқ болаларда бошқа тенгқурларига нисбатан ўзини бироз устун қўйиш, катталарнинг тилида гапириш, шулар асносида ўзига

катталарнинг меъёрини кийдириб олиши сезилади ва бу албатта унинг руҳий ривожланиши, психикасига таъсир қилиб, унинг онгида ижтимоий нормативлар бўлинишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. У тенгқурларига гапини ўтказиб, уларга лидер бўлишни ўйлайди. Натижада моддий нарсам бошқаларникидан кўпроқ бўлса, улардан олдинда, етакчи бўлишим учун шу нарсалар менга ёрдам бераркан, деган хулоса унинг онгида ёзилиб қолади. Бунинг хавотирли томони шундаки, ёши катта бўлаётганда унда маънавий ёки илмий сифатлар эмас, моддий сифатлар биринчи ўринга чиқиб қолади, деб ўйлаймиз.

Албатта, бунақа ўйинчоқлар боланинг ҳаётида бўлмаслиги керак, димоқчи эмасмиз. Ўйинчоқ олиб берувчи ота-оналар шуларни билиб қўйишса, боласининг руҳиятига қараб туришади, деган фикрдаммиз. 7-8 ёшдан кейин болада мақсад ўзгариши, улар энди ўйиннинг турларини қамайтириб, ўқшга кўпроқ вақт сарфлаши керак. Ота-онаси ноёброқ ўйинчоқ олиб берганда бола ҳаёт талаб қиладиган фаолият ва ўқшга эмас, кўпроқ ўйин фаолиятига мойил бўлади. Айнан ўқш керак бўлган ёшида унинг зўр ва энг кизик ўйинчоқлари бўлгани ва шунга қизиққани учун билим ўрганишдан бироз узоқлашади. Ота-она бу ўйинчоқни ўйнашнинг вақтини ва жойини, имкониятини чегаралаб бериши, назоратни тўлиқ ўз қўлига олиши шарт. Ахир болаларнинг кўнгли нималарни хохламайди, дейсиз. Чунки у ҳали ҳаётдаги ўрнини, мақсад-вазифаларини билмайди, бунда унга катталар ёрдам бериши лозим.

Моддий нарсани ҳамма нарсадан устун қўйдими, бу боланинг шахсий инқирози, дейиш мумкин. Барибир ўйинчоқ ўйинчоқлигича қолиши керак. Ўйинчоқ бола ўзини ўртоқлари олдида баландроқ тутиши учун ишлай бошлаши билан бу ўйинчоқнинг “жони” чиқади, яъни у энди бошқа нарсаси айланади.

“БУНИСИНИ ЎЙЛАМАБМАН...”

Манзура, уй бекаси:

— Яқинда биз ҳам 6 яшар ўғлимизга шундай автомашина олиб бердик. Кечқурундан эрталабгача зарядкага қўямиз. Шу билан кундузи 2 соат юради, ўзимиз назорат қиламмиз. Болалар майдончасида ҳайдайди, ўғлимиз қанча қувонишини биласизми,

Мулоҳаза учун мавзу

ҳаммаси хавас билан қараб туришади. Ҳар эҳтимолга қарши кичкинтойлар унинг олдига чиқиб қўймадлиги учун эҳтиёт бўламиз, кичкина бўлса ҳам барибир машина, дейман-да.

— Бирор сабаб билан уйда бўлмагангиз, ўзи ҳайдаб чиқмасмикан?

— Бунисини ўйламабман. Тўғриси, ҳайдаб чиқмайди, деёлмайман, жуда яхши кўради-да.

Шу мавзуда яна бироз фикрлашганимиздан сўнг суҳбатдошим деди:

— Мени ўйлантириб қўйдингиз, буёғи ҳаёлимизга ҳам келмабди, нотўғри қилдикми, бунинг дадаси билан маслаҳатлашиб кўраман. Лекин энди унинг қўлидан қандай оламиз?..

“НЕВАРАМГА ОЛИБ БЕРАЙ”

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида тиббиёт муассасаларидан бирида масъул лавозимда ишлайдиган шифокордан мавзуга оид фикр билдиришини сўрадик. У киши бироз ажабланиш билан: “Авалло бу бутун дунёда оммалашган нарсаси, бунинг эътибори бўлмабди, шу ҳақдаги интернет материаллари билан таниша-япсизларми? Қолаверса, мен ҳали болалар мотоцикли ва автомашиналари билан боғлиқ содир бўлган бирор бир нохуш ҳодиса ҳақида эшитмадим. Бу ерга келган беморларни ҳар кун шахсан ўзим назорат қиламан. Бундай нарсалар бизда ҳозирча унчалик оммалашмаган, шунинг учун бу мавзу ҳақида ёзишга ҳали эрта-ку! Шифокорларимизнинг бу борада бирон бир тажрибаси йўқ, нимани гапиришимиз мумкин? Бироз кутайлик, мен ҳам неварамга олиб берай ва кўрай: нима ўзи у, бола оронизмига қандай таъсири бўлиши мумкин, билишимиз керак-да. Бироз оммалашганидан сўнг балки улар билан боғлиқ йўл ҳодисалари ҳам кузатилар, балки ундай бўлмас.”

Шифокор, юқорида айтганидек, биз ҳам “ундай бўлмас” лигини истаймиз, албатта. Шу билан бирга, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш осон, деган нақлни ҳаммадан ҳам тиббиётчилар янада чуқурроқ тушунишади, деб ўйлаймиз. Ҳар ҳолда, эҳтиёт шарт, дейдилар. Зеро, бизни ўйлантирган мавзу техника хусусида, аниқроғи, болалар ўзи мустақил бошқаришига мўлжалланган мотоцикл ва автомашиналар ҳақида.

Ҳўш, сиз-чи, муҳтарам ўқувчи, бу борадаги фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Дилором МАТКАРИМОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

*Мақолада интернет манбалари-дан фойдаланилди.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақриф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезор) — 3-4 ой (амалиёт билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1

ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, кеприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой

Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой

Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Кўйлик киним бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

БИР ҲОВУЧ ДУР

* Ортиқча кўнгилхушликлар ортиқча ташвишларни бошлаб келади.

Демокрит

* Тухмат — нодоннинг шовқинидан бошқа нарсаси эмас.

Диоген

ЭЪЛОН!

«Aloqa Print» МЧЖ корхонаси «Алоқа банк» ОАТнинг таъсисчилар сафидан чиққанлиги сабабли устав фондини 594 000 000 сўмдан 544 000 000 сўмга қамайтирилганини маълум қилади.

ГҶДАК ИСИ

...Эшик кўнғироғи узун-қисқа жингилда. Диванга ёнбошлаганча телевизорга термилган Латофатнинг қовоғи уюлди. Хойнаҳой қайнонаси! "Бугун овқат чиқармагандим, шунга ис олиб келаётгандир-да, — ўйлади келин. — Айтдим-а, бир йўла марказдан уй олайлик деб! "Йўқ, онамдан узоклашолмайман", деб туриб олди бу қайсар эр. Мана энди онаси кундашунда, сал баҳона топса пайдо бўлади. Ўтти-сунти кечиб келаверади!"

— Латофат, эшикни очмайсанми? — овоз берди кўшни хонада бузуқ дазмолни тузатаётган эри.

— Э-э, чарчадим! — чўрт кесди аёл. — Мен ҳеч кимни кутганим йўқ, очмайман!

"Шу маҳалда..." деб гўлдираб қўйди яна. Соат ҳали тўққиз бўлмаган, бу шунчаки қайнонасини хушламайдиган келиннинг баҳонаси эди.

Эр очик эшикдан бир мўралаб, хотинининг авзойини кўрди-да, "аям бўлса-чи?" деган саволи бўғзида қолди. Ўзи туриб очмади, Латофатнинг дийдиёларидан безор шундоғам. "Ўз ҳолимизча яшайлик" деб қўярда-қўймай кўшни "дом"дан квартира олди. Қайнонанинг хизматидан кутулди, овқат илинишни ҳам тобора унутяпти. Яна нима керак бу хотинга, а? "Аям ҳам ғалати, — ўйлади ўғил. — Кечаси шу ҳавада келиб, нима бор экан? Тинчгина уйда ўтирса, ўзим хабар олардим эртага".

Ташқарида эса ёмғир ёғарди. Онаизор эшик олдида тура-тура, учинчи қаватдан ҳансираб туриб, шалаббо йўлакдан изига қайтди. Қўлидаги косани авайлаб ушлаганча битта-битта юриб бораркан, қувур қўйиш учун қавланган жойга келганда барибир тойиб кетди, чўк туриб ўтириб қолди.

— Вой!

Яҳшиям ахлат ташлагани чиққан кўшни йигит бор экан, югуриб келиб суяб турғизди.

СУТ — ЧЕКИШДАН ҚУТҚАРАДИМИ?

Сут одамнинг чекишга иштиёқини сусайтиради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, баъзи озик-овқат маҳсулотлари сигаретнинг "мазаси"ни бузади ва чекишдан жирканиш ҳиссини пайдо қилади. Кашнич, бодринг, помидор, қалампир, ловия, сарсабил никотинга мойилликни пасайтиради. Бироқ, тамакига қарши маҳсулотларнинг мутлақ етакчиси — сут эканлигини мутахассислар эътироф этишди.



КҶРИЧАК ОРТИҚЧАМИ?

Инсон танаси шундай яралганки, унда ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Масалан, баъзан одамлар кўричакни (ап-

— Ёмон тушмадингизми, Кундуз хола? — сўради у ва қўлидаги косани олди. — Кўйинг шуни, менга беринг.

— Равшанжонмисан, айланай? Қара-чи, тўқилмабдимми?

— Битта манти тушибди. Юринг энди, ивиб қолибсиз.

— Болам, ўшани четга опқўй, босилмасин...

— Хўп, — ерга энкайди йигит. — Ўзи ёмғирда нима қилиб юрибсиз?

— Ҳа, энди...

Кундуз хола уйга кириб тин олгачина тиззаси лўқиллаб оғриётганини



сезди. Секин-секин уқалаб, ўрнидан турди. Сочикнинг бир четини очиб, косага кафтини босди — ҳали совумабди. Ўғлига кўнғироқ қилса, олиб кетар. "Йўқ, бемаҳалда ёмғирда юрмасин, — ўйлади кейин. — Айб ўзим-да, ивирсиб кеч қолиб кетдим. Унинг устига, манави аҳволимни кўрмагани маъқул. Яҳшиси, эрталаб ўзим иситиб, элтиб бераман. Ахир атай болаларим учун пиширдим. Битта ўзим учун супра ёйиб зарилмиди? Келин ҳам аслида хамир овқатларга уста, лекин ишлайди-да, вақти йўқ, Чурвақаларим мантини соғинишгандир деб, бир суюнтирмоқчийдим. Ҳа, майли!"

Оқсаганча ювиниш хонаси томон юриди. Тирсаги шилинган шекилли, туз сепгандек ачишарди. Кўксининг ичкарида ҳам бир муштдек эт жизиллаб турар, лекин она бу ботиний оғриқни билиб туриб билмасликка олдарди...

Эрталаб мантини иситди. Идишга ҳам жойлади. Лекин ҳозир тиззасидаги шу оғриқ билан зиналарда юришни ўйлаб, юраги орқага тортиб кетди. Шиппагини кийган жойида



пендикс) ортиқча деб ўйлайдилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, **кўричак** — овқат ҳазм қилиш йўлларида шамоллаш касалликларининг олдини олишга хизмат қилади. **Томоқ безлари** лимфа тўқималари эса димоғ орқали кирувчи инфекцияларни нейтраллаштиради.

ЎЗИ ҲАҚДА ЎЙЛАМАС...

Айфон ва Интернетга кечаси ҳам соатлаб андармон бўлувчиларнинг ён-атрофни, дунёни унутишлари бир қарашда ажабланарли. Улардаги ахборотлар шунчалик қизиқ ё муҳим туюладими? Мутахассисларнинг фикрича, аслида бирор китобни жуда бе-

Тўқилмаган воқеа

фикридан қайтди. Яҳшиси, ўғлини чақиради, келиб олиб кетсин. Шунча овқат увол бўлиб қолмасин тагин.

Биринчи чақирғига жавоб беришмади. "Эшитмади, — ўзини овутиди она. — Бироз кутай. Оҳ, қариллик курсин-да, мўрт бўлиб қоларкансан одам. Бўлмаса, кеча қанчагина йиқилдим? Лўқиллашини-чи".

Чорак соатлардан кейин яна телефонидаги ягона рақамни босди (тополмай қўйналаман деб ўғлидан бошқа ҳеч кимнинг исмини ёздирмаган).

— Ассалому алайкум, ая!

— Ва алайкум, ўғлим. Яҳши ётиб турдингларми?

— Раҳмат, ўзингиз-чи? Хой, Азимшер, укангни турғаз! Қара болага, эй!

Она бир зум ўғлининг эътиборини кутиб жим турди.

— Ая, ишга жўнаятувдик, тинчмисиз?

— Ҳа, болам, яхшиман. Менга қара, сизларга манти қилувдим, шуни олиб кетасанми, деб...

— Нонушта қилиб бўлувдик, ая.

— Майли-да, болалар еб қўйишар?

— Ая, хафа бўлманг, роса шошиб турувдик. Мажлисим бор, ҳали болаларни боғчага ташлаб ўтишим керак.

— Бугунча мен билан қолишса бўлмайдами, роса соғинувдим?

— Бошқа сафар, аяжон. Бўпти, ҳали кечки пайт ўтаман. Болаларни ҳам олиб кираман, хайр! — кейин овоз олислашди: — Калитни олдингми, бўл!

Телефон бир маромда "ту-ту"лай бошлади. Коса устига ёпилган сочқика бир томчи аччик ёш томди...

Ҳеч қанча вақт ўтмай, эшик тақиллади.

— Ким? Ҳозир!

Кумри хола оқсаб-тўқсаб бориб эшикни очди. Болалари!

— Манави кичкинанинг сиз билан гаплашаётганими билиб қолиб, "дод, бувимга бораман!" деб туриб олса-да, — деди қулиб, остонадан қайтган ўғли. — Ана, олинг, шумтакалар бугун сизники!

Кундуз хола невараларини бағрига маҳкам босиб, қулча юзларидан ўпди. Димоғига урилган гўдак иси бутун борлигини дилхуш ифорларга чулғади. Оғриқлари тарқаб кетди...

Гулчеҳра АСРОНОВА.
Фарғона вилояти.

Ўқинг, қизик...

рилиб ўқиётган одам ҳам унинг мазмунига "шўнғиб" кетади ва шу пайтда ҳамма нарсаи унутади. Бироқ, китоб уни фикрлашга, кечинмаларни дилдан ўтказишга мажбур қилади. Айфон ва Интернет эса, китобдан бутунлай фарқи равишда, ахборот етказишни бошқача шаклда, яъни тез ва миёга оғирлиги тушмайди-ган жўнтарзда амалга оширади, хуллас, бир дегунча тайёр. Моҳиятан қараганда, бундай воситалар қўлидаги ўйинчоқдан бошқа ҳамма нарсдан — барча фикрлардан, мулоқотдан, ўз кучини билиш, ўзи ҳақда ўйлашдан уни узиб қўяди.



— АИФ" материаллари асосида тайёрланди.

Маслаҳат

ОШХОНА ИДИШЛАРИНИ ТАНЛАШ

Ошхонада фойдаланиладиган идишларнинг сифати ҳам соғлиғингизга маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Шу маънода бундай идишларни харид қилаётганда нималарга эътибор бериш лозимлигини билиб қўйган яҳши, албатта.

ПЛАСТИК идишларнинг бир неча турлари бор. Аввало уларнинг яроқлилик муддатига эътибор қаратинг, муддати ўтиб кетган идишдан фойдаланиш айрим касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Идишлар нимага мўлжаллаб тайёрлангани ҳам муҳим ва улардан шунга қараб фойдаланиш жоиз. Масалан, совуқ таомлар ҳамда бир марта қўллаш учун мўлжалланган пластик идишлар иссиқлик таъсирида ўз таркибидаги заҳарли моддаларни ажрата бошлайди.

ПҶЛАТ идишлар таркибидаги никел аллергия кўзгатувчиси ҳисобланади. Мабодо зангламайдиган пўлатдан тайёрланган идишда таом тайёрламоқчи бўлсангиз, иссиқлик таъсирида унинг таркибидаги мис ажралиб чиқishi эҳтимолини унутманг. Бундан ташқари, мутахассисларнинг фикрича, бугда пишириш жараёнида зангламайдиган пўлатдан тайёрланган идишдан фойдаланиб бўлмас экан.

МЕТАЛЛ идишларни ҳам хавфсиз деб бўлмайди. Бундай идишлар соғлиқ учун зарарли бўлган никел ионларини тарқатиши мумкин. Бу каби идишда нордон таъмили таомларни сақлаб бўлмайди.

ЭМАЛ идишлар соғлиққа салбий таъсир этмайди. Аммо эмал идишларда ёрик кўчклар ҳосил бўлган бўлса, у ҳам зарарли ҳисобланади. Эмал идишни харид қилаётганда қора, кўк, ҳаворанг, оқ ҳамда қаймоқ рангдагиларини танлаган маъқул. Негаки, бошқа рангдаги эмал идишлар таркибида металл микдори кўпроқ бўлиши мумкин.



АЛЮМИНИЙ идишлардан фойдаланмаган маъқул. Чунки бундай идишларда димлама, қовурма, қайнатма таомларни тайёрлаб бўлмайди. Иссиқлик таъсирида алюминий идиш таркибидаги металл ионлари ажралади. Шунингдек, мутахассислар алюминий идишларда нордон таомларни, айниқса, сув сақлаш зарарли эканини таъкидлашади.

ЭНГ ХАВФСИЗ ИДИШЛАР
Чинни, чўян ва сопол идишлар инсон соғлиғи учун хавф туғдирмайди. Шунинг учун мутахассислар чинни, сопол ҳамда чўян идишлардан фойдаланишни тавсия этадилар.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.



MOVIO – ЙИГМА ЭЛЕКТРОСКУТЕР

Венгриянинг янги технологиялар конструкцияси билан шуғулланувчи Antro-Group ташкилоти ўзларининг навбатдаги аjoyиб махсулотини тақдим этди. Бу – Movio русумидаги йиғма электроскутер (Movio folding electric scooter) дир. Скутер қўл кучи ёрдамида осон йиғилади ва оғирлиги 25 кг бўлган ихчамгина жомадонга айланиб қолади. Яъни, уни миниб манзилга етгач, сиз учун бор-йўғи скутерни йиғиб, хона ёки офисингизга етаклаб кириш қолади, холос. Кўрярсизки, электроскутер учун махсус тўхташ жойидан навбат олиш ёки безорилар олиб қочиш кетишидан хавотирга тушиш каби муаммолар йўқ.

Электроскутернинг умумий оғирлиги 55 фунт, яъни тахминан 25 килограмм атрофида. Унинг максимал ҳаракатлини тезлиги соатига 45 километргача етади. Ҳар бир гилдирак ўзига тегишли бўлган алоҳида электромотор ёрдамида ҳаракатланади. Скутернинг корпуси углепластикдан ишланган.



Бу мўъжизавий митти машинанинг фойдали хусусиятлари фақат шулар билан чекланиб қолмаган. Масалан, электроскутерни бошқариш қулай бўлиши учун ўриндиқ орқасига махсус суянчиқ ўрнатилган. Суянчиқнинг ўзига ҳам сафархалта бириктирилган бўлиб, у зарурий анжомларни солиб юриш учун юкхона вазифасини ўтайди. Тўлиқ қувватланган аккумулятор билан 35 километргача бориш



мумкин. Батареянинг ярқоқлики мuddати 35 минг километргача кафолатланади. Movio электроскутерининг нархи уч ёки беш минг доллар оралиғида қилиб белгиланиши кўзда тутилган.

Венгриялик ишлаб чиқарувчи мутахассислар ушбу аjoyиб скутернинг унча кўп бўлмаган дастлабки нусхаларини тайёрлаш учун қизиқувчи инвесторларни кутишмоқда. Уларнинг савдоси эса интернет тармоғи орқали амалга оширилиши режалаштирилган.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг” саҳифаси

ҲЕЧДАН КўРА, КЕЧ ҲАМ ЯХШИДИР

Минг истихоло ва умид билан сизларга ушбу мактубни йўллаяпман. Опам Моҳигул **35 ёшда**. Бирор нуқсонни ёки камчилиги йўқ, пазанда, ораста, ширинсухан ва меҳрибон. Хасталикка чалиниб қолган онамга қарагани боис, келган совчиларга розилик бермаган эди. Аввало Оллоҳнинг, қолаверса, шифокорларнинг кўмағи туфайли, шукрки, онам тузалиб кетди. Аммо вақт дегани кутиб турмас экан-да, энди афсус чекапти, фойдасиз, ҳечдан кўра, кеч бўлса-да опам бахтини топса, яхши бўларди. 40 ёшгача бўлган, диёнатли, уй-жойим дейдиган инсонга узатиш ниятида-миз.

Ўзим эса 1982 йилда туғилганман, маълумотим олий. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Синглим Гулсора 1984 йилда туғилган, тикувчи. Иккаламиз ҳам фариштадек опамизни узатмасдан туриб, турмуш курмаймиз, дея оёқ тираб туриб олдик. Бирортамизнинг камчилигимиз йўқ, айбимиз опамнинг бахтини кутиб яшаётганимизда. Навоий, Тошкент, Самарқандда яшовчи иймонли, инсофли йигитларга биз ҳақимизда маълумот берсангиз.

ДИЁРА,
Навоий вилояти.

ОНАМНИНГ ҲАТОСИ

Биз оилада уч қизимиз. Отам билан онам ёшлигимизда ажрашиб кетишган. Шундан сўнг онам бир инсон билан фақатгина шаръий никоҳдан ўтиб яшаб юрганди. Тоғаларим уйимизга келиб, бу ишингиз яхши эмас, оилани эркак билан яширинча яшаманг, деб огоҳлантиришди. Аммо онам ўз билганидан қолмади. Йиллар ўтиб, биз улғайдик, опамни сўраб, совчилар кела бошлади. Уни турмушга узатдик, аммо кўп ўтмай, поччам билан жанжаллашиб, уйга аразлаб келиб қолди. Онам бўлса опамни яхши гапириб юпатиш ўрнига ажралишни маслаҳат берди. Ўша пайтда мен кўшни қишлоқда яшовчи Ойбек деган йигит билан аҳду-паймон қилгандим. Совчиликка келган онаси маҳалламиздан биз ҳақимизда суриштириб билгач, қайтиб кетибди. Онамнинг хатоларини деб икки қиз бахтсиз бўлдик. Оиламиздаги бу муаммо синглимнинг ҳам ҳаётига соя солмаса, деб кўрқаман. **Ёшим 26 да**. Маълумотим ўрта. 35-40 ёшлардаги уйланиб ажрашган ёки бефарзанд киши бўлса турмуш куриш ниятидаман.

СОҲИБА,
Сирдарё вилояти.

ОРТГА ЭНДИ ЙЎЛ ЙЎҚ

Турмуш ўртоғим билан бир-биримизга кўнгил қўйиб, оила қургандик. Аввалига жуда аҳил-иноқ яшадик. Аммо қайнонам ўғли у айтган қизга эмас, менга уйлангани учун ўртамазда қақиртиканақдек бўлиб келди. Қизим Нодира дунёга келганида хурсанд бўлиш ўрнига бизни ажратиш ҳаракатига тушиб қолди. Хотинингнинг жавобини бермасанг, сендан воз кечаман, дея ўғлига қатъий шарт қўйди. Оталик ва эрлик вазифасидан фарзандлик бурчи устун келди ва у мен билан яхшиликча ажралишга қарор қилди. Онасига маъқул келган аёлга уйланиб, у билан анча йил бирга яшаб, фарзандли бўлолмади. Қизимни турмушга узатганимдан сўнг яна ярашишни таклиф қилиб келди, аммо мен рад этдим. Чунки, бу пайтда ҳаётимда бошқа инсон пайдо бўлганди. “Бахтли бўлинг” рўқни орқали танишган Мухаммад исмли инсон билан ҳаётимизни боғлаш арафасида турибмиз. Шу боис, илтимос, мени сўраб мурожаат қилганларга маъзилем ҳамда телефон рақамимни бермай турсангиз.

ЗИЛОЛА,
Тошкент шаҳри.

ЧИҚҚАНИ... ЧИФИРИҚДАН ТАШҚАРИ

Мен 33 йил таълим соҳасида меҳнат қилиб, ҳозир кексалик гаштини сураяпман. Лекин бир нарса юрагимни кемтик қилади, у ҳам бўлса ойда кизгинанининг тақдирини ўйлаб эзиламан. Қизим Дилнозанинг турмуш ўртоғи ичкиликка муккасидан кетгани боис ажрашиб келиб, биз билан бирга яшаяпти. Уйда ҳаммамиз унинг кўнглига қараймиз. Укалари ҳам меҳрибон, опасини авайлаб, асрашади. Барибир “чиққан қиз чиғириқдан ташқари”, деб бежиз айтишмаган экан. Баъзан ҳеч кимга сездирмай, йиғлаб-йиғлаб олади. Тенгдошларининг оиласига ҳавас билан қарайди. Бахти кемтик бўлгани боис уларнинг даврасига қўшилишга ҳароғи дов бермайди. Дадаси иккимиз маслаҳатлашиб, сизларга мурожаат этишга қарор қилдик. Уч ёшли қизчаси ҳам бор, ўзи болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайди. **Ёши 28 да**. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшовчи 30-35 ёшлардаги меҳр-оқибатли, ор-номусли, оилани муқаддас деб билгувчи киши бўлса, овоз берсин. Фарзандлари бўлса қизим уларга яхши оналик қилади, деб ўйлайман.

МАФТУНА ая,
Тошкент вилояти.

ОЛАСИ ИЧИДА ЭКАН

Турмуш ўртоғим болаларим ёш пайти оламдан ўтгач, бошқа рўзгор қилмадим. Ўғлимни уйлантирдим, қизимни узатганимдан сўнг ўзим ҳақимда ўйлайдиган вақт келди. Кўшни қишлоқда яшовчи, аёли оламдан ўтган бир эркакдан совчилар кела бошлади. Бир-икки суҳбат орқали инсоннинг феъл-атвори, характерини айтсам, соҳида бир тала ҳам қора туки қолмаган нуруний кишига раҳмим келди. Эргаш аканинг уйда яшашга шароит бўлмагани туфайли меникига кўчиб ўтишга қарор қилди. Ўғлим ҳам, келиним ҳам менинг ҳаётим учун рози бўлишди. “Одам олasi ичида” деганлари рост бўлиб чиқди. Унинг, қутилмаганда келиним, қўшниларнинг аёлларига ёмон кўз билан қараётганини сезиб қолдим. Ўзини бундай туттиши гуноҳ эканини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бироқ, хулқи нопок инсонларга ҳарчанд тўғри маслаҳат берсангиз ҳам барибир ўз билганидан қолмас экан. **Ёшим 53 да**. Иймонли-эътиқодли, ҳалол-пок, 60 ёшгача бўлган инсон бўлса турмуш куриб, бирга ҳаёт кечирсам, дейман.

ГУЛМИРА опа,
Самарқанд вилояти.

ҲАМ ЖИСМИ, ҲАМ РУҲИ СОҒЛОМ БЎЛСА...

Асли касбим шифокор, ҳозир нафақадаман. **Ёшим 57 да**. Бундан уч йил илгари аёлим касаллик туфайли оламдан ўтган эди. Фарзандларим кўшни вилоятда яшовчи Гулсиной исмли бир аёлни топишганди. Бир-икки марта учрашгач, менга маъқул келди. Суҳбат асносида аёлининг оёғи ревматизмнинг оғир тури билан касаллангани, ҳаммаша гормон ичиб юришини сезиб қолдим. Биласиз, доимий равишда гормон қабул қилиш буйракка зарар келтиради ва бунинг оқибати яхшилик билан тугамайди. Шу боис у билан турмуш куриш фикридан қайтдим. “Бахтли бўлинг” рўқнига мурожаат қилаётган аёллар ва эркаклардан тиббий маълумотнома талаб қилинишини эшитгач, сизларга мурожаат қилишни лозим деб топдим. 50 ёшгача бўлган, фикри ҳам, жисми ҳам соғлом, мен билан чиройли ҳаёт куришга тайёр аёл бўлса, хабар берарсизлар.

РАҲМАТЖОН,
Хоразм вилояти.



Дилфуза УЗРО

Қайтай десам болалигимга,
Қайтсам эдим болалигимга...

ҚИЗИМГА

Мафтунага

Кўзларингда кўнглим ҳаваси,
Шўблаланар руҳим шўбласи.
Ҳаётимнинг таянч нуқтаси —
Фақат сенга бойланган қизим.

Бемор бўлма, чекма сира дард,
Ҳеч кўнмасин кипригингга гард.
Нигоҳларим соғинчингда зард —
Меҳрим унга жойланган қизим.

Сенинг учун яшайман жим,
Оғриси-да яримта кўнглим.
Эй, сен менинг ошиқ юрагим —
Титроғига айланган қизим.

Кўйгин дунё, қафасларингни,
Жонга жойлаб нафасларингни.
Кўрай сенинг ҳавасларингни —
Ҳаётимга айланган қизим,
Меҳри дилга жойланган қизим.

СЕН КЕТИБ БОРАСАН...

Иккимизни икки ёнга
хукм этди азал шоҳи,
Бу дунёда бор эканми,
мен ғарибнинг бир гуноҳи.

Шеър азиз...
Энди билмам қай тарафдан
эсиб ўтгай ғам шамоли,
Сурхондарё йўлларида
қолиб кетди дил хаёли...

* * *
Сен кетиб борасан, паришон ҳаёл,
Ортингдан
дод солиб йиғлайди кўнглим.
Ҳаёт шундай аччиқ,
тақдир — бешафқат,
Яшашга мажбурман барига кўниб.

Кетдинг...
Қорачиқда видо айтар жон,
Армонлар кўйишда гулхан ёқади.
Севгим,
севингдан бағрим бўлди қон,
Кўзларимда
кўзларингнинг изи қолди...

* * *
Сен томон чорлайди бу юрак қургур,
Сендан кеча олмас безовта кўнглим.
Нега сен, нега айт,
бунча мағрурсан,
Мени азобларга ташлаган бегим.

Мен кечмоқ бўламан
ўзимдан — сендан,
Бу ёлгон дунёдан безидим, бездим.
Афсуски, барибир сени севаман,
Мени азобларга ташлаган бегим...



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ПОЛВОНЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтаётган Осиё ўйинларида дзюдочиларимиз муносиб иштирок этишмоқда.

-90 килограммда Дилшод Чориев ўз гуруҳида биринчи ўринни кўлга киритди ва ярим финалда мўғулистонлик Отгонбаатар Лхавасурени мағлубиятга учратди. Дилшод полвон финалда япониялик Юя Йошида билан беллашди ва имкониятни бой берди.

+100 килограммда эса Абдулло Тангриев қозғистонлик Ержан Шинкеев билан бронза медали учун гиллама чиқиб, рақибини енгди.

СОВГАЛАР ҚАЙТАРИЛАДИМИ?

Бразилияда ўтган жаҳон чемпионатида маҳаллий ташкилотчилар томонидан ФИФА мулозимларига қилинган совгаларнинг айримларини эгасига қайтариш ҳақида ФИФА Этика қўмитасининг қарори кўпчиликка ёқмаяпти.

Маълумотларга кўра, гап қимматбахо соатлар ҳақида кетмоқда. Одатда ҳар бир йирик мусобақа учун ўзининг эсдалик соатлари чиқарилади ва иштирокчиларга совга қилинади. Лекин, ҳозир гап бу ҳақда эмас, балки Бразилия томонидан қилинган совга ҳақида кетяпти. Яқин йиллар давомида коррупцион жанжаллардан боши чиқмаётган ташкилот бу билан вазиятни юмшатишга уринаётган кўринади.

Бироқ, совғаси қайтариб олинган УЕФА раҳбари Мишел Платини ва ФИФА ўртасида айни шу масалада келишмовчилик юзага келди. Платини бу соатни қайтаргандан кўра пулини бериб қўйишини айтиб, ФИФАга таъна қилган.

Маълумотларга кўра, бу соат 27 минг долларни ташкил этар экан. Этика қўмитасининг талаби бўйича барча совга олганлар 24 октябрга қадар буни қайтаришлари зарур.

ШАМПАҢЬ ФИФА ПРЕЗИДЕНТЛИГИ УЧУН КУРАШАДИ

ФИФА бош қотибининг собиқ ўринбосари Жером Шампань ФИФА президентлиги учун кураш олиб боришини тасдиқлади. Агарда Йозеф Блаттер яна сайловларда иштирок этмоқчи бўлса ўз номзодини олиб ташлашини айтганди. Яқинда Блаттер яна ФИФА раҳбарлиги учун сайловларда қатнашишини маълум қилди. Ой охирида ўтандиган ФИФА ижрокўм йиғилишида бу маълумот расман тасдиқланиши кутилмоқда.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

АЛМАШТИРИШ МУМКИН

Бирор нарчасини гаровга қўйган киши кейинроқ зарурат туғилганида уни бошқа нарса билан алмаштириши мумкинми?

Р. Хайридинова.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 276-моддасида белгиланишича, гаров нарчасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Саволга Юнусобод тумани 2-ДНИ нотариуси
Маҳфуза НОРОВА жавоб берди.

МУЛК ҲУҚУҚИ МУДДАТСИЗДИР

Турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Уй-жой суд орқали бўлиб берилган. Эшитишимча, агар мен ўзимга тегишли жойда уч йилдан ортиқ яшамасам, у хотинимга ўтиб кетаркан, шу асослими?

Д. Каримжонов.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Шунга мувофиқ, сизга тегишли уй-жойга эгаллик ҳуқуқи ҳеч қачон ўз-ўзидан ҳеч кимга ўтиб кетмайди.

Саволга Пастдарғом туманидаги 3-сон ДНИ
нотариуси Мадина НАБИЕВА жавоб берди.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНДА ҲАМ

Менинг укам боқувчисини йўқотган битта ўғил ва битта қизни фарзандликка олди. Уларнинг боқувчисини йўқотганлик учун оладиган нафақаси сақланди қолинадими?

К. Бекниязова,
Хўжайли тумани.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 166-моддасига мувофиқ:

“Фарзандликка олиниш вақтида боқувчисини йўқотганлик учун пенсияга ёки нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олинган тақдирда ҳам ана шу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.”

БИР ОЙ МУДДАТ ИЧИДА

Мен шаҳардан узокда жойлашган туманда яшайман. Ўғлим шаҳарда туғилди. Мен унга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани шаҳардан олишим мумкинми?

Ф. Матякубова,
Чимбой тумани

Болаларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онанинг бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Саволларга Нукус шаҳри
ФХДЭ бўлими инспектори
К.ИСМАЙЛОВА жавоб берди.

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон
МУСУРМОҶОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г
— 936. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади —
6191. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5